МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛА УЛУҒОВ

# АДАБИЁТШУНОСЛИККА КИРИШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

**Абдулла УЛУҒОВ**

# АДАБИЁТШУНОСЛИККА КИРИШ

Университетлар ва педагогика институтлари
филология, журналистика факультетлари
талабалари учун қўлланма

**Тошкент**
**"Университет"**
**2000**

Мазкур ўқув қўлланмасида адабиётшуносликка оид мавжуд тадқиқотлар асосида сўз санъати аҳамияти, бадиий асар хусусиятлари, унинг таркибий қисмлари, адабий тур ва жанрлар, ижодий метод кабилар хусусида мулоҳаза юритилган.

Ушбу қўлланма олий ўқув юртлари филолог, журналист талабалари, аспирантлар ва барча адабиётга қизиқувчилар учун мўлжалланган.

ТАҚРИЗЧИЛАР:

филология фанлари номзоди, доцент *А. РАСУЛОВ*,
филология фанлари номзоди, доцент *Б. КАРИМОВ*

©"Университет" нашриёти - 2000

# КИРИШ

Инсоният азал-азалдан борлиқ ҳодисаларини билишга, ўзи яшаётган муҳитни гўзаллаштиришга интилади. Бу интилиш замирида мукаммалликка эришиш истаги туради. Коинот султони саналган инсон комилликка эришиш учун муттасил йўл излайди. Санъат, адабиёт, илм-фан аслида кишиларнинг комилликка интилиш йўлларидир. Улар одамларнинг қалб қуввати ва ақл-тафаккури қудратини намоён этадиган ўзига хос майдон саналади. Санъат, адабиёт, илм-фан бир-бири билан мустаҳкам боғлиқ ҳодисалардир. Улар орасида жиддий фарқ-тафовутлар бўлса-да, санъат илм-фанни ёки илм-фан санъатни бутқул инкор қилмайди. Аксинча, улар бир-бири билан узвий боғланган ҳолда, инсоннинг комиллашишига хизмат қилади.

Инсоннинг комиллашишига, унинг ўзлигини англашига таъсир кўрсатадиган воситалар орасида, айниқса, адабиёт алоҳида ажралиб туради. Чунки адабиёт инсоннинг қалб қуввати ва ақл-тафаккури ривожини ўзига хос тарзда мужассамлаштиради. Унда қалбнинг ҳиссиёт, туйғулари, ақлнинг мантиқли мушоҳада, мулоҳазалари ажойиб тарзда уйғунлашган бўлади. Адабиёт асарларида кишиларнинг ҳис-туйғулари, фикр-мулоҳазалари образлар орқали акслланади. Ҳис-туйғулар қалбга хос кечинмалар саналса, фикр-мушоҳада эса мия мулки бўлган онг-ақлнинг маҳсулларидир.

«Адабиёт» арабча сўз бўлиб, у «одоб» (кўплик шакли «адаб») сўзидан олинган. Одоб-ахлоқ эса инсонни мукаррам этувчи, уни барча мавжудотлардан улуғвор қилувчи ҳодисадир. Одоб-ахлоқ инсонни барча мавжудотлардан устун қилувчи ҳодисагина бўлиб қолмасдан, у кишиларни бир-бирига яқинлаштирувчи, дунёнинг осойишталиги, тинчлигини таъминловчи, одамларнинг ақл-тафаккурини равшан этувчи таянч омил ҳамдир. Шу боисдан асоси «одоб», «адаб» бўлган адабиётга азал-азалдан жамият маънавиятининг пойдевори сифатида қаралган.

Жамият маънавиятининг пойдевори саналган адабиёт турли халқлар тилида турлича аталади. Чунончи, «литература», «словесность», «wortkunst» сўзлари Европа халқлари орасида кенг қўлланади. Ҳозир шеърият маъносида қўлланадиган «поэтика», «поэзия» сўзлари ҳам авваллари «адабиёт» маъносида ишлатилган. Аристотель (эрамиздан аввалги 384-322 йиллар) «Поэтика» номли асар ёзиб, адабиёт ва унинг хусусиятлари хусусида мулоҳаза билдирган. В. Белинский (1811-1848) адабий тур ва жанрларни таърифлаб, таҳлил қилганида «литература» сўзи ўрнида «поэзия» сўзини қўллаган. Бироқ «адабиёт» истилоҳи муқобили сифатида қандай сўз қўлланмасин, шуниси аниқки, бу сўз барча замонларда ҳамма халқлар ҳаётида алоҳида ўрин тутган. Жумла-

# МУНДАРИЖА

Кириш .......... 3
Адабиётшунослик – сўз санъати ҳақидаги фан .......... 5
Адабиётшунослик объекти .......... 10
Бадиий образ .......... 13
Бадиий асар узвлари .......... 20
Композиция ва сюжет .......... 27
Бадиий асар тили .......... 38
Шеър тузилиши .......... 49
Адабий турлар ва жанрлар .......... 59
Ижодий метод .......... 78
Ижодий услуб .......... 92
Сўнгсўз ўрнида .......... 95
Адабиётлар .......... 96

Абдулла Улуғов

# АДАБИЁТШУНОСЛИККА КИРИШ

Муҳаррир *О.Абдуллаева*

Босишга рухсат этилди 29.06.2000. Бичими 60x84 $^{1}/_{16}$ .Тезкор босма усулида босилди. Нашриёт хисоб табоғи 6,6. Шартли босма табоғи 10,5. Адади 300 нусха. Буюртма №629.

"Университет" нашриёти. Тошкент - 700174. Талабалар шаҳарчаси, Ўзбекистон Миллий университети маъмурий биноси.

ЎзМУ босмахонасида босилди.